

**“Тасдиқлайман”**  
**Сув хўжалиги вазирлиги**  
**ҳузуридаги жамоатчилик**  
**кенгаши раиси**



**Л. Мухаммадназаров**

*2023 йил 30 август*

**Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги**  
**жамоатчилик кенгаши йиғилишининг**  
**Б А Ё Н И**

*2023 йил 29 август*

*№3*

*Тошкент шаҳри*

**Раислик қилди:** Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси Л.Мухаммадназаров

**Қатнашганлар:** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев, вазир маслаҳатчиси И.Жўрабеков, жамоатчилик кенгаши аъзолари, касаба уюшмаси, хотин-қизлар кенгаши, тизим ташкилотлари раҳбарлари (рўйхат асосида).

I. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти яқунларини ва келгуси режаларни муҳокама қилиш.

-----  
(*Мухаммадназаров, Хамраев, Жўрабеков, Алиқулова, Хушвақтов, Суюнов, Шаропов, Лапасов, Икрамова, Хамраев*)

Йиғилишни жамоатчилик кенгаши раиси Л.Мухаммадназаров очиб берар экан, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузурида жамоатчилик кенгашини тузиш бўйича тегишли буйруқлар қабул қилингани, жамоатчилик кенгашлари шакллантирилгани ҳақида ахборот берди.

Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев жамоатчилик кенгашининг фаолиятини янада жонлантириш, вазирлик раҳбариятининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, очиқ, шаффоф ва ошкора фаолият кўрсатишини таъминлаш, вазирлик фаолияти устидан

таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича фикрларини билдирди.

Йиғилишда вазирлик касаба уюшмаси, хотин-қизлар кенгаши фаолияти ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органи ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида” 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сонли қарори ва унинг иловаси билан тасдиқланган Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Намунавий Низомда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш, вазирликнинг очиқ, шаффоф ва ошкора фаолият кўрсатишига эришиш ҳамда вазирлик фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш мақсадида йиғилиш

### **Қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг **2023 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.**

2. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари (Суюнов), Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари раисларига:

**бир ҳафта муддатда** жорий йилнинг сентябрь-декабрь ойлари учун қайтадан иш режасини тузиб, унинг ижросини қатъий таъминлансин;

вазирлик ва ҳудудий ташкилотлар фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлашни иш режасига киритилсин;

**бир ой муддатда** вазирлик ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатишган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари

бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилсин;

**ҳар ойда камида бир маротаба** Жамоатчилик кенгашлари йиғилишларини ўтказиб, эришилган натижалар ҳақида раҳбариятга ҳисобот киритиб борилсин;

вазирлик фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиб, унинг натижаларини ҳар чорак якунида ўтказиладиган ҳайъат йиғилиши муҳокамасига киритилишини таъминлансин;

**ҳар чорак якунида** тизим ташкилотларида Жамоатчилик кенгашларининг ҳисоботларини тинглаш доимий йўлга қўйилсин;

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг вазирлик томонидан ташкил этиладиган очиқ ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиши ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиши йўлга қўйилсин;

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг вазирлик томонидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиши учун шароит яратилсин;

вазирлик ва тизим ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда жамоатчилик кенгашларига амалий ёрдам кўрсатилсин;

Жамоатчилик кенгашлари фаолияти вазирлик расмий сайти, тизим ташкилотларининг сайт ва ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифалари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилиши;

вазирлик расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар жойлаштириб борилиши ҳамда уларнинг ҳар чоракда янгиланиши таъминлансин.

3. Мазкур йиғилиш қарорининг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.